

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2022 йил май ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолдаги очик суд мажлисида, раислик қилувчи О.Мирсадиков, Ж.Кенжаевнинг котиблигида, тарафлардан Боғдод туман прокурори ёрдамчиси Ф.Абдувалиев, жабрланувчи Г.Махрамова, судланувчи Д.Махрамов ва унинг химоячиси “Advokat Soxib Xomidov” адвокатлик бюроси адвокати С.Хомидовнинг иштирокида, Махрамов Достон Бўстон ўғлига нисбатан 1-1507-2201/64-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Махрамов Достон Бўстон ўғли (Махрамов Достон Во’стон о’ғ’ли) – 1994 йил 1 август куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам;

1) 29.07.2021 йилда ЖИБ Боғдод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ЖКнинг 57,59,62-моддаларига кўра 2 йил 4 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони 2 йил 3 ой 2 куни ўталмаган, Боғдод тумани Дўрмонча М.Ф.Й, Қайрағоч кўчаси рақамсиз уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқ қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 2022 йил 26 февралда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Д.Махрамов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 11 декабрь куни соат 09.00 да Боғдод тумани Дўрманча М.Ф.Й Қайрағоч кўчаси рақамсиз уйда яшовчи Г.Махрамованинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, хонадон ховлисида бўлган нархи 80.000 сўмлик 1 дона хўжалик қозони ва нархи 50.000 сўмлик 1 дона “HAIRUN” русумли телевизорни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида Д.Махрамовдан 1 дона “HAIRUN” русумли телевизор ва 1 дона қозон ашёвий далил



тариқасида олиниб, жабрланувчи Г.Махрамовага тилхат орқали қайтарилган.

Судланувчи Д.Махрамов судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2021 йил 05 декабрь куни жияни Хаётхон касал бўлганлиги учун Боғдод тумани марказий шифохонасида даволанаётганини, уни дорилари учун пул керак бўлганлигини, лекин ўзида пули йўқлигини, сўнг 2021 йил 11 декабрь куни эрталаб туриб, дори сотиб олиш учун пул топмоқчи бўлиб, бирортасининг яшаш хонадонидан уй жихозларини ўғирлаб сотиб, пулига дори сотиб олмоқчи бўлганини, шу мақсадда кўчага чиққанлигини, кўчада юрган вақтида қариндоши Г.Махрамованинг яшаш хонадони дарвозаси ёпиқ турганлигини кўрганини, дарвозани итариб кўрганида қулфланмаганини, уй ичига кириб, қараганида ҳовлидаги ўчоқ устида 1 дона қозон турганлигини кўрганлигини, уйда одам бор йўқлигини билиш учун хонадондаги иккала эшикни ҳам очиб кўрганини, уйда ҳеч ким йўқлигини, Г.Махрамованинг хонасини эшигини очиб қараган вақтида хонада 1 дона экрани оқ орқаси қора рангдаги телевизор турганлигини кўрганини, шундан кейин хонадаги телевизорни кўтариб олиб чиқиб ховли четидаги ўчоқ устида турган қозонни ҳам қўлтиғига қистириб олиб чиқиб кетганлигини, кейин телевизорни ҳам қозонни ҳам яшаш хонадонига олиб кириб, яшаш хонадонининг оғилхонасига олиб кириб яшириб қўйганлигини, орадан 2-3 соат ўтиб, қариндоши Г.Махрамова уни яшаш хонадонига чиқиб, телевизорни билан қозонини қайтариб беришни талаб қилганлигини, унга телевизорни ҳам қозонини ҳам олмаганини айтганлигини, шундан кейин Г.Махрамова билан ўзаро жанжаллашиб қолишганини, Г.Махрамова бақир-чақир қилиб яшаш хонадонидан чиқиб кетганлигини, шу куни кечқурун яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келганини, бу вақтда маст ҳолатда бўлганлигини, ИИБ ходимлари ундан Г.Махрамовага тегишли бўлган телевизор ва қозонни сўрашганида уларга телевизор ва қозонни ИИБ ходимларига берганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, қонун доирасида енгиллик беришни, оилавий шароитини инобатга олишни сўради.

Жабрланувчи Г.Махрамова судда, 2021 йил ноябрь ойида Боғдод тумани Дўрманча М.Ф.Й, Қайрағоч кўчаси рақамсиз уйга ҳоласи Ойбахоннинг яшаш хонадонига кўчиб келганини, бу уйда 2 та хона бўлиб, улардан бирида ҳоласи, иккинчисида болалари билан бирга ўзи яшашлигини, кўчиб келиб жойлашганидан кейин ҳамма кўчларини ўзи яшаётган хонага олиб кириб қўйганлигини, ҳар куни Боғдод туманидаги қишлоқларга чиқиб, темир йиғиб сотиб тирикчилик қилишини, 2021 йил 11 декабрь куни ҳоласи Ойбахон болалари билан бирга Боғдод туманидаги қишлоқларга соч чигалларини йиғиш учун чиқиб кетишганини, шу куни соат 09.00 да болалари билан бирга Катта Фарғона каналининг Боғдод тумани худудидан оқиб ўтган қисмига темир тўплаш учун чиқиб кетганлигини, чунки шу кунларда Фарғона каналининг суви қуриб, сув тубидаги темир ва бошқа чиқиндилар кўриниб қолганлигини эшитганини, уйдан чиқиб кетишидан олдин яшаш хонадонидаги иккала хонанинг



эшикларини ва дарвозани беркитганини, лекин қулфи йўқ бўлгани учун кулфламаганини, Фарғона каналига бориб 2 соат темир чиқиндиларни излаб соат 11.00 да яшаш хонадонига қайтиб келганида ховлида турган 1 дона қозони йўқлигини кўрганини, сўнг дарҳол уйига кириб қараганида хонада турган телевизор ҳам йўқлигини билганлигини, бу телевизорни бундан 2 ой олдин Қапчуғай қишлоғида эски буюмларни йиғиб юрган вақтида бир уйдан сотиб олганлигини, шу маҳаллада қариндоши Д.Махрамов ҳам яшашлигини, у хар доим спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда юришини, яшаш хонадошидаги телевизор ва қозонни у ўғирлаб, спиртли ичимликка алмаштириб юборган бўлса керак деб ўйлаб, унинг уйига кириб, телевизор ва қозонини қайтариб беришини талаб қилганини, лекин у телевизорни ҳам қозонни ҳам олмаганини айтиб, қайтариб бермаганини, кейин ИИБнинг 102 қисқа рақамига қўнғироқ қилиб, яшаш хонадонидан телевизор ва қозони ўғирланганлигини хабар берганлигини, ИИБ ходимлари келиб, суриштириб, ўғирликни қариндоши Д.Махрамов содир этганлигини аниқлаб ундан телевизорини ва қозонини қайтариб олиб келиб беришганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга енгиллик беришни сўради.

Суд, суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафлар фикрини ва кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Д.Махрамовнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 4-10), нарсани олиш баённомалари (и.в.16), нарсани кўздан кечириш баённомаси (и.в. 19-21), далилий ашё деб топиш қарори (и.в. 22), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ исботланган деб топади.

Судланувчи Д.Махрамовнинг жиний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки у, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 11 декабрь куни соат 09.00 да Боғдод тумани Дўрманча М.Ф.Й Қайрағоч кўчаси рақамсиз уйда яшовчи Г.Махрамовнинг яшаш хонадонига дарвоза орқали ғайриқонуний равишда кириб, хонадон ховлисида бўлган нархи 80.000 сўмлик 1 дона хўжалик қозони ва нархи 50.000 сўмлик 1 дона “HAIRUN” русумли телевизорни яширин равишда талон-торож қилган.

Суд, судланувчи Д.Махрамовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга



каратишлари лозим” лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” лиги, Қарорнинг 37-бандида “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” лиги ҳақида тушунтиришларга амал қилган ҳолда, содир этилган жиноят оғир жиноятлар тоифасига кирса-да, судланувчининг ёши (28 ёш), айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида ёлғиз онаси ва бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқ бўлиб енгиллик беришни сўраганлиги, етказилган зарар миқдори, зарар тўлиқ қопланганлиги каби жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатлар борлигини ҳамда ЖКнинг 56-моддасида қатъий белгиланган жиноятнинг таркибининг зарурий белгисидан ташқари бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ бўлса-да, уни муқаддам айнан шу каби жиноят содир этиб, судланганлигидан ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганлигидан тегишли хулоса чиқармаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб унга нисбатан ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмидан ҳам кам миқдорда тайинлашни ҳамда ЖКнинг 60,61-моддалри тартибида илгари 29.07.2021 йилда ЖИБ Боғдод туман суди томонидан тайинланиб ўталмай қолган 2 йил 3 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини янги тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил жазо тайинлашни, шунингдек, жабрланувчининг аризасига асосан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497-1-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Махрамов Достон Бўстон ўғли (Maxramov Doston Bo'ston o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.



Д.Махрамовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Д.Махрамовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 29.07.2021 йилда ЖИБ Боғдод туман суди томонидан тайинланиб ўталмай қолган 2 йил 3 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини янги тайинланган жазога қисман қўшиб ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 11 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Махрамовга нисбатан тайинланган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.Мирсадиков

Нусхаси аслига тўғри

О.Мирсадиков

